# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 30 май, № 108 (6291) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗАРО ИШОНЧ – МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан 27 — 29 май кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.**



Ташрифнинг асосий расмий тадбирлари 28 май куни бўлиб ўтди.

Президентлар аввал тор доирада, сўнгра кенгайтирилган таркибда очиқлик, ўзаро ишонч ва амалий руҳда ўтган музокаралар чоғида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик масалаларини муҳокама этдилар.

Корея Республикаси томони Ислом Каримов Ўзбекистон Президенти этиб қайта сайланганидан кейин давлат ташрифи билан биринчи бўлиб Жанубий Кореяга келгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги серқирра ҳамкорлик кўлами ва уни янада кенгайтириш истиқболларидан, шунингдек, Ўзбекистон кўп томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганидан далолатдир.

Томонлар ушбу ташриф олий даражадаги анъанавий мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлганини ва ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича ўзаро ҳамжиҳатликка янада катта аҳамият бериш борасида икки мамлакатнинг сиёсий хоҳиш-иродасини намоён қилганини, бу халқларимиз манфаатларига мос эканини таъкидлади.

Президентлар ўзаро ишонч — мустаҳкам ҳамкорликнинг энг муҳим омили эканини алоҳида қайд этдилар.

Самарали ва амалий руҳда ўтган музокаралар ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналишлари, шунингдек, муҳокама этилган минтақавий ва халқаро сиёсий муаммолар бўйича позиция ва ёндашувлар яқинлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Корея Республикасининг Корея яриморoли ва умуман, минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳар томонлама чуқур ўйланган, тинчликпарвар ва вазмин ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Корея Республикаси Президенти томонидан ўтган йили Дрезден шаҳрида илгари сурилган икки Корея давлати ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ҳамда Корея яриморолининг ядро қуролидан холи мақомини таъминлашга қаратилган изчил ва прагматик “Тинчлик йўли билан бирлашиш ташаббуси”ни маъқуллайди.

Глобаллашув асрида барча давлатларнинг бир-бирига боғлиқлиги инобатга олинган ҳолда, томонлар Жанубий Корея раҳбарияти илгари сурган “Евроосиё ташаббуси” долзарблигини қайд этди ва ушбу ташаббусни қадимий Буюк Ипак йўлини замонавий шароитларда қайта тиклашга қўшилган муҳим ҳисса сифатида эътироф этди.

Томонлар мазкур лойиҳани иқтисодий ҳамкорлик ва транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантиришнинг мавжуд ва муваффақиятли амалга оширилаётган халқаро ва минтақавий дастурлар билан узвий боғлаш зарурлигини қайд этди.

Президентлар Марказий Осиёда сув ресурсларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш масаласини минтақадаги барча давлатлар манфаатларидан келиб чиқиб, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ маслаҳатлар ўтказиш орқали ҳал этиш кераклигини таъкидлади.

Корея Республикаси раҳбарияти Ўзбекистон Республикасига “Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форумини ривожлантириш ва унинг доимий ишловчи котибиятини таъсис этиш масаласини қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди.

Томонлар парламентлараро, жумладан, қонунчилик органларида фаолият олиб бораётган ассоциациялар ва дўстлик гуруҳлари орқали амалга оширилаётган ҳамкорлик муносабатларини юксак баҳолади.

2014 йилда икки мамлакат ўртасида узоқ муддатли ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари белгиланган Стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма декларациянинг имзолангани муҳим воқеа бўлди.

Савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий соҳалардаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиш доирасида Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги энг йирик шериги экани ва Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўтган 20 йилдан ортиқ вақт давомида барқарор ва изчил ривожланиб, улкан муваффақиятларни қўлга киритаётганини таъкидлади.

Жанубий Корея томони Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликка эришилгани, қулай инвестиция муҳити яратилгани, таълим соҳаси, инфратузилмани ривожлантириш, саноатни модернизация қилиш, замонавий қишлоқ хўжалигини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва чуқур таркибий ўзгаришларни юксак баҳолади. Корея Республикаси раҳбарининг таъкидлашича, глобал иқтисодиётда мураккаб вазият юзага келганига қарамасдан, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари кейинги ўн йилда 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани таҳсинга лойиқдир.

Жанубий Корея Президенти мамлакатларимиз иқтисодиёт тармоқлари, хусусан, машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, ахборот-коммуникация технологиялари, тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга эканини таъкидлади.

Пак Кин Хэ Корея Республикаси ҳукумати Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда Жанубий Корея компаниялари иштирокини ҳар томонлама рағбатлантиришини қайд этди.

Томонлар товар айирбошлаш ҳажми барқарор юксалиб бораётгани ва сўнгги йилларда бу кўрсаткич мунтазам 2 миллиард АҚШ долларидан ошаётганини таъкидлади. Шу муносабат билан Жанубий Корея томони Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида Корея Республикаси бизнесининг йирик савдо-инвестиция шериги ҳисобланишини қайд этди. Ўзбекистон томони, аввало, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган замонавий юқори технологияларни жалб этиш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

Музокаралар якунида Президентлар барча йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболлари белгилаб берилган Қўшма декларацияни имзоладилар.

Умуман, ташриф доирасида ва бўлиб ўтган Ўзбекистон — Корея бизнес-форуми якунлари бўйича 60 битим ва шартнома имзоланди. Уларнинг 55 таси савдо-иқтисодий, инвестиция ва молиявий-техник ҳамкорлик соҳасига тааллуқлидир. Инвестициявий ҳамкорлик соҳасида 34 битим, жумладан, нефть-кимё ва кимё соҳасида 5 лойиҳа, автомобиль саноатида 9, электротехника соҳасида 5 лойиҳа имзоланди. Ушбу битимлар углеводородларни чуқур қайта ишлаш, метанол ва олефин олиш учун табиий газни қайта ишлаш бўйича энг замонавий технологияларни жорий қилиш, азот кислотасини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уч русумдаги машҳур янги замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги авлод автомобиль двигателлари, трансмиссиялари ва бутловчи қисмлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, замонавий маиший электротехника буюмлари ишлаб чиқариш бўйича истиқболли лойиҳаларни қамраб олган.

Фармацевтика соҳасида имзоланган 7 лойиҳада онкологик, эндокрин, офтальмология, нафас олиш органлари ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини даволаш учун препаратлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Молиявий ҳамкорлик Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ташриф доирасида бу борада Жанубий Кореянинг имтиёзли кредит ресурсларини жалб этиш бўйича 7 битим имзоланди. Саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш дастурлари доирасида устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун Корея Республикаси банкларининг умумий қиймати 2,9 миллиард долларлик узоқ муддатли инвестиция кредитларини жалб этиш бўйича 6 битим, “EDCF” фондининг 33 миллион долларга тенг имтиёзли кредитини жалб қилган ҳолда, “Мактаб таълимида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш” лойиҳасини молиялаштириш бўйича заём битими ҳам имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида “EDCF” фонди линияси бўйича имзоланган 2015 — 2019 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурида қиймати 415 миллион долларлик узоқ муддатли имтиёзли кредитларни жалб этиш орқали 6 лойиҳа, шу жумладан, Тошкент шаҳрида IV даражали замонавий кўп тармоқли, юқори даражада ихтисослаштирилган тиббиёт марказини, “электрон ҳукумат” тизими маълумотларини қайта ишлайдиган давлат марказини ташкил этиш, ахборот-коммуникация технологиялари асосида сув ресурсларини бошқариш тизимини жорий қилиш лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан 2015 — 2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қиймати 58 миллион доллар бўлган грантларни жалб этиш орқали 11 лойиҳани амалга оширишни назарда тутган. Тошкент аэропортини модернизация қилиш ва янги халқаро терминал барпо этиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш, қуриладиган IV даражали замонавий кўп тармоқли клиникалар учун юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва тиббиёт ускуналарига хизмат кўрсатиш марказларини, Хоразм ва Фарғона вилоятларида техник мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш марказларини ташкил этиш, замонавий ахборот-ресурс марказини қуриш ва жиҳозлаш, электрон ўқитиш тизимини жорий этиш ҳамда ўқув-илмий лабораторияларни жиҳозлаш орқали Тошкент ахборот технологиялари университетини ривожлантириш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистондан Жанубий Кореяга пахта толаси, рангли металлар, автомобиль кабеллари, минерал ўғит, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш бўйича йирик экспорт шартномалари имзоланди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ Жанубий Корея компаниялари Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади ва Ўзбекистон учун янги, биринчи навбатда, қайта ишлаш саноати соҳасидаги устувор лойиҳалар рўйхатини тузиш ҳамда уларни биргаликда амалга ошириш масалаларини кўриб чиқишни таклиф этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти яқинда тасдиқлаган саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, давлат корхоналарини корпоратив бошқариш ва хусусийлаштириш тизимини такомиллаштириш дастурлари бу борада ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ташрифига тайёргарлик кўриш доирасида 26 май куни Сеулда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форумида Жанубий Кореядан 300 нафардан зиёд киши, жумладан, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, етакчи компаниялар, молия институтлари, олий ўқув юртлари, эксперт-таҳлил марказлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда Бош вазир вазифасини бажарувчи Чой Кёнг Хван сўзга чиқиб, “Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи ҳамкоримиз ҳисобланади ва бу мамлакатга инвестиция киритиш мумкин ва керак. Ўзбекистон билан стратегик ҳамкорликни, аввалламбор, мамлакатда амалга оширилаётган саноатни янада модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш бўйича стратегик дастурлар, хусусийлаштириш, ишбилармонлик муҳити ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, корпоратив бошқарувни тубдан такомиллаштириш дастурини қўллаб-қувватлаш орқали ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қатъий аҳд қилганмиз”, деди.

Бизнес-форумда “Лотте Кемикал” компанияси президенти Ху Су Ёнг, “Кореан Эйр” компанияси президенти Чи Чанг Хун, “Жи Эм Корея” компанияси президенти Сержио Роча, “Самсунг Электроникс” компаниясининг катта вице-президенти Ку Ин Чой, Эксимбанк вице-президенти Ким Ёнг Ки ва бошқалар Ўзбекистонда муваффақиятли фаолият кўрсатиш тажрибаси ҳамда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида маъруза қилди.

Ташриф давомида маданий-гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш доирасида Тошкент шаҳрида Жанубий Корея маданият ва санъат уйини қуриш ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди. Бу Ўзбекистон — Жанубий Корея дўстлигининг янги рамзи, халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга интилишнинг тимсолига айланади.

Пак Кин Хэ Ўзбекистонда яшаётган корейс миллати вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Жанубий Корея халқи номидан миннатдорлик изҳор этди.

“Ханжин” компанияси билан Инха университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида янги Логистика факультетини очиш тўғрисида келишувга эришилди.

Президентлар ушбу ташриф давомида давлат, ҳукумат ва идоралараро имзоланган салмоқли ҳужжатлар Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклик асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Президент Ислом Каримов ташриф доирасида 29 май куни Корея Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Чой Кёнг Хван, Жанубий Корея газ корпорацияси президенти Ли Жонг Хо, “Лотте групп” компанияси раиси Шин Донг Бин, “Лотте Кемикал” компанияси президенти ва бош ижрочи директори Ху Су Ёнг, “Ханжин групп” ва “Кореан Эйр” компанияси раиси Чо Янг Хо, Корея Республикаси Экспорт-импорт банки президенти Ли Дук Хун ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги президенти Ким Ёнг Мокни қабул қилди. Музокаралар чоғида иқтисодий ҳамкорлик ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикаси Миллий ассамблеяси спикери Чон Ий Хва ва депутатлар билан ҳам учрашди. Учрашувда парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришда тарихий воқеа бўлиб, ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Сеул — Тошкент

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

# ХАЛҚАРО РЕГБИ КЕНГАШИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро регби кенгаши президенти Бернард Лапассет бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон регби федерацияси раиси С. Сафоев билан учрашди.

Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда спортни ва олимпия ҳаракатини изчил ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ҳамда ғамхўрлик юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, спортнинг регби тури ҳам юртимизда жадал оммалашмоқда.

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортни изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовор, — деди Б. Лапассет.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# Ижтимоий шериклик — фаолият мезони

*Жамият барча саъй-ҳаракатини халқ манфаати йўлида бирлаштириш мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар самарадорлигини юксалтиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этмоқда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошираяпти. Фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётир.*

Таъкидлаш жоизки, республикамизда фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, жамоат ташкилотларини давлат ва жамият ишларини бошқаришга жалб қилишнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асоси яратилган. Чунончи, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш механизмини мустаҳкамлади. Бугун фуқаролик жамияти ва давлат тузилмалари амалий мулоқотининг ҳуқуқий кафолати бўлган ҳамкорликнинг яхлит тизими яратилди.

Қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири давлат органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қўллаб-қувватлаши талаб қилинадиган фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаш вазифаси жорий қилинганидир. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари қарорларини ишлаб чиқишда, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда муҳокама қилишда, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Янги тартибга мувофиқ, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашувчи ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссиялари ташкил этилади. Бу, бир томондан, муайян ҳудудларнинг янада ривожланишини, фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йўлида ҳокимият вакиллик органларининг роли ва масъулиятини кучайтирса, бошқа томондан, жамоат ташкилотлари салоҳиятини устувор вазифаларни амалга оширишга йўналтириш имконини беради.

Айтиш керакки, айни пайтда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш, унда белгиланган қоидаларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка ва давлат органларининг мансабдор шахсларига етказиш долзарб вазифа ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

*Мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча енгилликлар бериш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Зеро, бу соҳа истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий тармоқлар истиқболида ҳал қилувчи кучга айланди.*

# Экспорт салоҳияти ошмоқда



Бугунги кунда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 56 фоизга етгани, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу жабҳада меҳнат қилаётгани бунга асос бўла олади.

Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса тизимдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, соҳани сифат жиҳатидан тараққий эттиришда кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, "Ўзмиллийбанк" ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси зиммасига ҳам кўплаб вазифалар юклатилди. Хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, улар учун янада қулай иқтисодий ҳамда ҳуқуқий шароитларни яратиш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштириш ана шулар жумласидандир. Уларнинг изчил ижросини таъминлаш мақсадида Жамғармамиз томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиётига баҳо беришда унинг экспорт салоҳияти қай даражада эканлиги ҳисобга олинади. Чунки бошқа минтақага тақдим этилаётган маҳсулот ёки хизмат сифат жиҳатидан халқаро андозаларга жавоб бериши, рақобатда ютиб чиқиши, нарх-навоси ҳам истеъмолчиларга мақбул бўлиши керак. Шу маънода, жаҳон бозорига чиқиш катта тажрибага эга йирик корхоналар учун унчалик муаммо туғдирмаслиги мумкин. Аммо кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини йўлга қўйиш ўз-ўзидан амалга ошавермайди. Маҳсулот маркетинги билан шуғулланиш, олис шартномалардан ҳамкорлар топиш, шартномалар имзолаш — булар осонликча ҳал этиладиган вазифалардан эмас.

Бу жараёнда Жамғарма ишбилармонларнинг яқин кўмакчисига айланмоқда. Масалан, биргина 2015 йилнинг январь — апрель ойларида 1014 та тадбиркорлик субъектига ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатилиши натижасида соҳа вакилларидан 360 нафари умумий қиймати 306,5 млн. АҚШ долларилик маҳсулот ва хизматларини экспорт қилишга муваффақ бўлди. Бошқача айтганда, бу ўтган йилнинг ушбу давридагига нисбатан 9 фоиз ўсишга эришилди, деганидир.

Айни чоғда Жамғарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини аниқлаш, шу асосда экспортбоп маҳсулотнинг хорижий ва минтақавий бозорлардаги талаб-эҳтиёжга мос келишини таъминлашга қаратилган маркетинг изланишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтгача бу жараёнда хорижий савдо мажмуалари билан маҳаллий тадбиркорлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиб, умумий қиймати 300 млн. доллардан ортиқ маҳсулотларга талаб борлиги аниқланди.

Жамғарма ёрдамида, шунингдек, жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида 95 нафар тадбиркор халқаро кўргазма ва анжуманларда иштирок этиб, маҳсулот ҳамда хизматлари экспорти бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатгани диққатга сазовор. Жумладан, 16 — 25 январь кунлари 50 дан ортиқ тадбиркорлар 100 турдан кўпроқ маҳсулотлари билан Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган "Яшил ҳафта — 2015" халқаро кўргазмасида қатнашди. Ушбу тадбир давомида умумий қиймати 5 млн. долларга тенг экспорт шартномалари тузилди.

Юртимиз ишбилармонлари Жамғарма томонидан ташкил этилаётган тадбирларда ҳам ташқи бозорларга чиқиш имкониятига эга бўлишмоқда. Мисол учун, Фарғона вилоятида уюштирилган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ва унда логистика тизимларининг ўрни" мавзуидаги давра суҳбатида водий вилоятларида фаолият кўрсатувчи деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари, кичик бизнес субъектлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича умумий қиймати 121,1 млн. долларлик 21 келишув битимини имзоладилар.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бироқ жамоамиз қўлга киритилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, 2015 йил охиригача белгиланган дастур талабларини изчил ижро этиш пайидан бўлмоқда. Шу мақсадда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги "Ўзтадбиркорэкспорт" ташқи савдо компанияси билан ҳамкорликда аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларнинг оғирини енгил қилиш, маҳсулотларини чет элларга сотишда қўшимча имкониятларни юзага келтирмоқда.

Бундан ташқари, дастур асосида кўрсатиладиган хизматлар кўламини янада кенгайтириш, бир млрд. АҚШ долларидан ортиқ экспорт амалиётини рўёбга чиқариш кўзда тутилган. Шу мақсадда юртимиз ишбилармонлари 12 та халқаро кўргазма ва ярмаркага юборилади, 60 та ишлаб чиқариш корхонасида халқаро стандартлар талабларига мос бошқарув тизимлари босқичма-босқич жорий этилади.

Мухтасар айтганда, жамоамиз бундан буён ҳам юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки хизматларни экспорт қилишга ўз ҳиссасини қўшаверади. Аниқроғи, тадбиркорларни ташқи бозор хатарларидан ишончли ҳимоялаш, маҳсулот турларини таҳлил этиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини аниқлаш ва бошқа хизматлар кўрсатиш борасида қўллаб-қувватлайверади.

**Жаҳонгир МУСТАФОЕВ,**
**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори.**

# ХАЛҚАРО РЕГБИ КЕНГАШИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мамлакатингизда спортни ҳар томонлама тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самаралар хусусида батафсил маълумот олиш имконига эга бўлдик. Бу борадаги ишлар Ўзбекистонда регбини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон регби федерацияси 2006 йили Осиё регби уюшмасига аъзо бўлган. 2014 йил 14 майда Халқаро регби кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзолигига қабул қилинган.

Мазкур спорт турига қизиқувчи ёшлардан иборат жамоалар иштирокида эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида мамлакат чемпионати, турли мусобақалар мунтазам ўтказилмоқда. Машғулот ва беллашувларни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш учун шароит яратиш, халқаро майдонда юксак натижалар кўрсатишга қодир истеъдодли спортчиларни саралаш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Регби бўйича терма жамоамиз аъзолари қитъа миқёсидаги мусобақаларда мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Учрашувда Халқаро регби кенгаши билан Ўзбекистон регби федерацияси ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**Б. АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

*Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Фуқароларнинг Конституция асосида кафолатланган ваколатли органларга мурожаат этиш ҳуқуқи амалда тўла таъминланаётгани бунга яққол мисолдир.*

# Фуқаролар мурожаатлари

## эътибор ва масъулият билан кўриб чиқилмоқда

2014 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни жисмоний ҳамда юридик шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларнинг давлат органларига мурожаат этиш тартибини янада такомиллаштирди.

Бугунги кунда жамият ҳаётини электрон ахборот алмашинувисиз, ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Шунга кўра, ушбу Қонунда замон талабларидан келиб чиқиб, электрон шаклда мурожаат этиш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Қонунга биноан, жисмоний ва юридик шахслар АКТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда, белгиланган тартибда тегишли идора ёки мансабдор шахсларга мурожаат қилишлари мумкин.

Албатта, мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг ижросини таъминлаш биз, депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Яқинда ҳудудимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиб, бу борадаги мавжуд ҳолатни ўргандик.

Айтиш лозимки, вилоят ҳокимлиги томонидан фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш, улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилаяпти.

Кузатишларда маълум бўлишича, мурожаатлар сони ортиб бормоқда. Буни аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ошгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунончи, Жондор тумани ҳокимлигига 2014 йилда 877 та ёзма мурожаат келиб тушган ва 477 нафар фуқаро қабул қилинган. Шу йилнинг дастлабки чорагида эса 391 ёзма мурожаат келиб тушган, 192 нафар фуқаро ҳокимлик қабулида бўлган.

Фуқаролар мурожаатларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб таҳлил қиладиган бўлсак, улар бундан ўн йил аввалгиларидан мутлақо фарқ қилади, яъни аҳоли, асосан, фермер хўжалиги ташкил қилиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, паррандачилик, балиқчилик, чорвачиликни ривожлантириш масалаларини ўртага ташлаган.

Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити яхшиланиб бораётгани, ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши натижасида мурожаатларда сув ҳавзаси, минифутбол майдони барпо этиш, замонавий музлаткич омборлари, маиший хизмат биноси қуриш, ҳуқуқий маслаҳатхона ташкил этиш каби ташаббус ва таклифлар ўз ифодасини топган. Бу фуқароларнинг мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларга ишончи ортаётгани, ҳуқуқий билими, онги, маданияти тобора юксалаётганидан далолатдир.

Шу ўринда ҳудудимизда мазкур Қонуннинг ижросини таъминлашда ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликларга йўл қўйилаётганини ҳам қайд этиш жоиз. Масалан, "Ғарбгазтаъминот" унитар корхонасига шу йилнинг биринчи чорагида 187 та ёзма, 35 та оғзаки мурожаат бўлган. Ўрганиш жараёнида корхона масъул ходимлари аризаларга назорат карточкалари тўлдиришмагани, баъзи ҳолларда уларга уч кундан беш кунгача кечиктириб жавоб хатлари ёзгани аён бўлди. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиб, Қонун ижросини тўлиқ таъминлашга қаратилган таъсирчан чораларни кўраяпмиз.

Хулоса ўрнида айтганда, фуқаролар мурожаатлари маҳаллий Кенгашларда атрофлича кўриб чиқилмоқда. Муҳими, уларда келтирилаётган муаммолар вақтида ижобий ҳал қилинаётир. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишга хизмат қилмоқда. Зеро, инсон ҳамда унинг манфаатларини таъминлаш юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг устувор вазифаларидан биридир.

**Зафар ТАИРОВ,**
**Асрор ТУРСУНОВ,**
**халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутатлари.**

# Ипак ва зираворлар фестивали

*Юртимизга байрамлар ярашади. Анъанавий "Ипак ва зираворлар" фестивали ҳам кўпчилик орзиқиб кутадиган тадбирлардан биридир. У халқимизнинг бебаҳо меросини дунёга кўз-кўз этувчи анжуман сифатида тобора оммалашиб бораяпти.*

АНЪАНА

Бу йилги фестивалда жаҳоннинг кўплаб давлатларидан халқ амалий санъати ихлосмандлари, соҳа мутахассислари, сайёҳлик ташкилотлари вакиллари, ҳунармандлар иштирок этишгани юртимизга, халқимизнинг моддий ва маънавий меросига қизиқиш йил сайин ошаётганидан далолатдир.

Мазкур тадбирнинг айнан Бухорода ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Негаки, қадимий шаҳар тарихий обидалар ва урф-одатлар, анъаналарни ўзида жамулжам этган дунёдаги ноёб гўшалардан бири саналади. Кўҳна Бухоро ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди. Фестивалнинг очилиш маросимида сўз олган ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Криста Пиккат, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Европа учун минтақавий дастури вакили Бека Жакели ва бошқалар ана шуларни алоҳида таъкидлади.

Қадимий Арк қалъасидан Лаби Ҳовуз соҳилларигача бўлган ҳудуд байрамона қиёфа касб этди. Карнай-сурнай садолари, миллий либослардаги ёшлар, фольклор дасталарининг чиқишлари, тинчлик, истиқлол мадҳ этилган куй-қўшиқлар, рақс ва лапарлар тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.

— Ўзбекистонга илк бор келишим, — дейди венгриялик ҳунарманд Видак Иштван. — Даставвал, Тошкент, кейин афсонавий Самарқанд шаҳарларини томоша қилдим. Вақт тиғиз бўлса-да, Бухорони сайр қилишга ҳам улгурдим. Ушбу замин дунёнинг энг чиройли шаҳарларидан бири эканлигига гувоҳ бўлдим. Шарқона шаҳарнинг камалакранг жилосини кўриш насиб этганидан хурсандман. Халқингизнинг меҳмондўстлигига тан бердим. Дунёнинг турли жойларидан келган ҳунармандлар билан ўзаро тажриба алмашдим. Мени, айниқса, бу юрт аҳлининг меҳнатсеварлиги, ҳунарга меҳр қўйгани ҳайратлантирди.

Тадбир доирасида ипак матолар ва зираворлар савдоси ташкил этилди. Ғиждувон кулоллиги, Бухоро мискандакорлиги, ипак гилам, каштачилик, зардўзлик мактаблари усталари маҳорат сабоқлари ўтказдилар. Тасвирий ҳамда амалий санъат галереяси ва фоторассомлар кўргазмаси, миллий либослар намойиши уюштирилди. Миллий ўйинлар мусобақаси ҳамда ош сайли ташкил этилди.

Шунингдек, мамлакатимиз ва чет эллик олимлар, халқаро сайёҳлик ташкилотлари вакиллари иштирокида "Буюк Ипак йўлининг муҳим бўғини ҳисобланган Бухорони халқаро туризм марказларидан бирига айлантиришнинг истиқболлари" мавзуида илмий-амалий анжуман ҳам бўлиб ўтди.

Якунда кўҳна шаҳарнинг Пои Калон мажмуида концерт дастури намойиш этилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ижтимоий шериклик – фаолият мезони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу мақсадда юртимизнинг барча ҳудудида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари томонидан "Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишда ННТ ва давлат органларининг ижтимоий шериклиги" мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди. Мазкур тадбирларда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоатчилик фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари, парламент аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирок этди.

Тадбирларда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунда белгиланган қоидалар атрофлича тушунтирилди. Давлат дастурларини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокига оид масалалар кўриб чиқилди. Ҳудудлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат органларининг ижтимоий шериклик, жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги тажрибалари ўрганилди.

Шунингдек, қатнашчилар 2015 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш шакллари, механизмлари ва устувор йўналишлари ҳақида атрофлича хабардор қилинди. Хусусан, жорий йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоатчилик фонди томонидан давлат грантларини олиш бўйича бешта танлов ташкил этилади.

— Мазкур Қонун долзарб масалаларга ечим топишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Навоий шаҳридаги "Имконият" ННТ раҳбари К. Бобоқулова. — Ушбу ҳужжатда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ҳамкорлигининг аниқ механизмлари кўзда тутилган. Ҳозирги пайтда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг 2015 — 2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилмоқда. Ушбу ҳужжат лойиҳалари ЎзННТМАнинг жойлардаги ресурс марказларига жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш учун тақдим қилинган. Бугун биз уларни ўрганаяпмиз, таклиф этилаётган қоидаларни муҳокама қилаяпмиз, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларимизни ишлаб чиқаяпмиз. Бу ижтимоий шерикликнинг ёрқин ифодасидир. Қонун устида ишлашга бундай ёндашилаётгани келгусида ижтимоий хизмат кўрсатишда аҳоли барча қатламлари эҳтиёжларини кафолатлайди.

— Биз Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, Нукус шаҳар ҳокимлиги, меҳнат ва ижтимоий муҳофаза, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганмиз, — дейди Ўзбекистон оилалар ва болаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси Қорақалпоғистон бўлими раҳбари Ш. Асанова. — Давлат тузилмалари билан ижтимоий шериклик ўзининг қатор афзалликларини кўрсатмоқда. Хусусан, тиббиёт муассасалари мутахассислари билан биргаликда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ёшлар тарбиясида оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлар ўтказамиз. Бундай тадбирлар, иштирокчилар фикрича, оилани мустаҳкамлашга, ҳаётий қарашларини ўзгартиришга ёрдам бермоқда, кўплаб маиший масалалар ечимини топишда қўл келаяпти. Давлат органлари билан келишувга асосланган ижтимоий шериклик туфайли қатор лойиҳаларимиз муваффақиятли амалга оширилаётир. Ҳозир Нукус шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларга қувонч бахш этиш мақсадида болалар спорт майдончасини очишга тайёргарлик кўраяпмиз.

— Табиат муҳофазасига бағишланган тадбирларда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштироки биз учун муҳимдир, — дейди Андижон вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бионазорат инспекцияси бошлиғи Х. Мақсумов. — Зеро, атроф-муҳитни саноат, техноген, маиший чиқиндилар билан ифлосланишдан асрашда давлат хизматлари ва жамоатчилик саъй-ҳаракатларини бирлаштирсаккина, олиб бораётган чора-тадбирларимиз янада самарали бўлишига эришишимиз мумкин. Биз вилоятимиздаги экология йўналишида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни йўлга қўйганмиз. Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоатчилик фонди кўмагида амалга оширилаётган лойиҳаларда ҳамкорлик қилмоқдамиз.

— Нодавлат нотижорат ташкилотлари муайян гуруҳларнинг эҳтиёжларидан, орзу-умидларидан бохабар бўлиб, улар ҳаётини янада яхшилашга интиладилар, — дейди Жиззах вилоятидаги "Қалб нури" нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Н. Алимова. — Шубҳасиз, биз бунёдкорлик, яратувчанлик ишларига ўз ҳиссамизни қўшишни истаймиз. Банклар, солиқ хизмати, савдо-саноат палатаси билан имзоланган меморандум ва келишувлар асосида хотин-қизларга бизнес юритиш кўникмаларини ўргатаяпмиз. Ҳозиргача қарийб уч минг нафар хотин-қизни жалб қилган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича семинарлар ўтказдик. Шунингдек, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этдик. Кексаларни эъзозлаш йилида ёши улуғ инсонларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган қатор лойиҳаларни давлат тузилмалари билан ижтимоий шерикликда амалга оширишни мўлжаллаяпмиз.

— Яқинда давлат органлари билан ижтимоий шерикликда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоатчилик фонди томонидан молиялаштирилган "Вақт сен учун" лойиҳасини якунига етказдик, — дейди Сурхондарё вилояти карлар жамияти раиси К. Мўминова. — Ушбу лойиҳа доирасида эшитиш қобилияти паст болаларнинг ота-оналарига ҳар томонлама кўмаклашилди. Уларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, турли тўгараклар ташкил қилинди, болалар компьютер билан ишлаш кўникмасига эга бўлди, соғлом турмуш тарзи ҳақида тушунчаларини бойитди. Лойиҳа иштирокчиларига ўқув жиҳозлари совға қилинди. Лойиҳа тугалланган бўлса-да, бу йўналишдаги ишларимизни давом эттирамиз.

— Бугун ижтимоий шериклик институти ривожланиб бораётгани туфайли ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қонун лойиҳаларини, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид муҳим дастурларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқда, ушбу дастурларнинг амалга оширилишига бевосита ҳисса қўшаяпти, уларнинг жойлардаги ижроси устидан жамоатчилик назоратини олиб бормоқда, давлат ва жамият ўртасида асосий ижтимоий масалаларни ҳал этишда ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари Г. Ҳотамова. — Жумладан, 2014 йилда тегишли нодавлат нотижорат ташкилотларининг бир ярим минг нафар вакили "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси ва экспертизасида қатнашди. "Соғлом бола йили" ҳудудий дастурларини рўёбга чиқаришда 370 дан зиёд ННТ фаол жалб қилинди, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда эса уларнинг сони янада ортган. Жамоатчилик ташкилотлари етакчилари ва фаоллари қирқдан ортиқ республика идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ишчи гуруҳларининг фаол аъзолари ҳисобланади.

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан фуқаролик жамияти тобора равнақ топиши учун янада қулай муҳит юзага келди, — дейди Андижон шаҳридаги "Ҳамроҳ" нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Н. Мадазимова. — Пировардида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқлари сезиларли даражада кенгайди, давлат органларининг жамият олдидаги масъулияти ортди. Рўйхатдан ўтиш тартибларининг соддалаштирилиши, ҳисобот ва бошқа мажбуриятларнинг камайтирилиши каби қўшимча имтиёз ва имкониятлар давлат ва жамият ишларини бошқаришда нодавлат сектор иштирокини янада фаоллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

# Юртга дахлдорлик ҳисси

жойларда ўтказилаётган ёшлар фестивалида яна бир карра ўз ифодасини топмоқда

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ўтказилаётган фестиваллар ёш авлод истеъдоди ва иқтидорини юзага чиқариш, уларни муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Шу боис ўғил-қизларнинг ушбу тадбирга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораяпти.

Хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам мазкур акция юксак савияда ташкил қилинди. Унинг доирасида уюштирилган тадбирларда сенаторлар, депутатлар, маданият ва санъат арбоблари, таниқли ижодкорлар, спортчилар ҳамда эстрада хонандалари қатнашди.

— Фестивалда 60 минг нафардан зиёд самарқандлик ёшлар фаол иштирок этди, — дейди "Камолот" ЁИҲ Самарқанд вилояти кенгаши раиси Фаррух Камолов. — Зеро, мазкур тадбир ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш, Ватанга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш каби эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

"Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маданияти", "Одам савдосидан асраш — долзарб масала", "Ёшлар ўртасида эрта никоҳ ва унинг олдини олиш", "Интернет ва ёшлар" мавзуларидаги тарғибот тадбирларида қатнашчиларга турли иллатларнинг оқибатлари атрофлича тушунтирилди. "Президентимиз асарлари билимдони", "Камолот" кутубхонаси" каби лойиҳалар кўплаб иқтидорли ўғил-қизларни кашф этишга хизмат қилди. Шунингдек, "Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси", "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" лойиҳалари доирасида ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Фестиваль якунида Самарқанд шаҳридаги "Мўъжиза" амфитеатрида таниқли эстрада хонандалари иштирокида гала-концерт ўтказилиб, унинг доирасида "Конституция билимдони", "Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси", "Энг яхши маънавият тарғиботчиси", "Энг намунали илм-фан тарғиботчиси", "Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси" каби номинациялар ғолибларига диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

31 МАЙ — ХАЛҚАРО КАШАНДАЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ



***"Жоним азоб тортаяпти. Баданим қақшаяпти. Оқибати бундайлигини аввалроқ билганимда, умуман чекмаган, жабрини тортмаган бўлардим".***

# Тутунга тутқунликнинг туганмас уқубати

Бу кашандаликка ружу қўйиш оқибатида лаб саратонининг тузалмас дардига дучор бўлиб, кимёвий терапиянинг учинчи даво даврини бошидан ўтказаётган беморнинг гапи. Аслида, унинг дардини сўз билан ифодалаш қийин. Боиси чекиш пайтида олган бир лаҳзалик "лаззати"нинг аччиқ уқубатлари уни туну кун ҳол-жонига қўймаяпти. Ортидаги фарзандлари, уларнинг саломатлиги ва келажаги эса кишини ўйга толдиради. Негаки, чекишнинг касри фарзандлар саломатлигига ҳам таъсирини ўтказмай қолмайди.

Чекиш инсон умрининг заволидир. Мазкур ҳолатга кўп бора гувоҳ бўлмоқдамиз. Хусусан, ҳар йили дунёда 3 миллиондан ортиқ киши айнан ушбу иллат оқибатида ҳаётдан кўз юмаяпти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, тамакига тобелик одам умрини 20-25 йилга қисқартиради. Ҳали давоси топилмаётган ўпка ракининг 90 фоизи эса чекувчилар ҳиссасига тўғри келади. Шундан ҳам англаса бўладики, чекиш, эртами-кечми, барибир ёмон оқибатга олиб келади.

Бугунги кунда кашандаликка қарши кураш асримизнинг энг фаоллашган саъй-ҳаракатларидан бирига айланди. Бинобарин, дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам чекишнинг олдини олиш асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. Масалан, АҚШда ҳар йили 500 минг киши айнан чекиш туфайли ҳаётдан кўз юммоқда.

Энг ўйлантирадиган томони шундаки, аксарият чекувчилар кашандаликнинг оқибатини била туриб, ўзини чоҳ домига ташламоқда. Яъни чекувчиларнинг 24 фоизида жинсий ожизлик ривожланиб, уларнинг асосий қисмида бепуштлик пайдо бўлади. Шунингдек, бундай тоифа кишилар орасида ўпканинг сурункали яллиғланиши, юқори нафас йўллари, оғиз шиллиқ қавати саратони каби сурункали касалликлар кўп учрайди.

Чекувчи аёллардан фарзанд туғилса, кейинчалик уларда ақлий заифлик, фикри ожизлик, жисмоний нимжонлик ҳолатлари кўзга яққол ташланади. Бундан ташқари, уларнинг вазни меъёрдагидан енгил туғилади. Аксарият ҳолларда бундай аёлларнинг биринчи фарзандида мия, юз қисми норасоликлари, қизилўнгач ёки ичак тизимидан бирининг ривожланишдан орқада қолиб туғилиши каби ҳолатлар қайд этилади.

Шу ўринда бир савол пайдо бўлади: сигарета оқибатини била туриб, одамлар нега чекади? Бунинг боиси шундаки, сигарета таркибида никотин моддаси бўлиб, у инсон организмига кирганидан сўнг бир зумда "ўзига ўргатиб" қўяди. Бу "ҳузур" вақт ўтгани сари киши танасининг барча қисмига салбий таъсир ўтказиб бораверади. Оқибати эса жуда аянчли якунланади.

Айтиб ўтиш лозимки, сигарета тутуни таркибида 4 000 дан ортиқ заҳарли моддалар бор. Шулардан никотин, бензопирин, цианид, формальдегид ва бошқалар инсон саломатлиги учун катта хавф туғдиради. Тутун таркибида тўйинмаган карбонат ангидрид гази бўлиб, у қонга сўрилгач, қон таркибидаги гемоглобин билан тўйиниб, кислородни камайтиради ва аъзоларда кислород танқислигини юзага келтиради. Унинг тутунидаги полоний, қўрғошин, висмут каби моддалар жигар, талоқ, қовуқ, буйрак, бачадон каби аъзоларда саратон пайдо қилиш хусусиятига эга. Шундай экан, бу заҳри қотил тутун атрофдагиларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши муқаррар.

Кўриниб турибдики, чекиш, кашандалик — кони зиён. Ундан тийилиш нафақат чекувчининг саломатлиги яхшиланишига олиб келади, балки фарзандлар келажагининг бехавотир бўлишини ҳам таъминлайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан 31 май Халқаро кашандаликка қарши кураш куни сифатида эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Ушбу санада чекиш иллатига мубтало бўлганлар яна бир карра огоҳликка чорланиб, соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинади. Зеро, соғлиқ — инсоннинг энг катта бойлигидир.

**Жуманазар БЕКНАЗАРОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

# Коллеж битирувчилари учун имтиёзли кредитлар

*Янги иш ўринлари яратиш — аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг муҳим омилларидан бири. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг мустақил ҳаётга қадам қўйишида бунинг аҳамияти беқиёс. Шу боис давлатимиз томонидан кейинги йилларда йигит-қизларни тадбиркорлик соҳасига жалб этиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

ФАРМОН ВА ИЖРО

MIKROKREDITBANK

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Маълумки, ҳар қандай бизнес-режа рўёбини сармоясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, тадбиркорликда бошланғич инвестиция ҳал этувчи ўрин тутади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз тижорат банкларининг кредитлаш тизими такомиллашувига хизмат қилаётир.

— Юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор миқёси шунчалик кенгки, тенгдошларимнинг барчаси ушбу имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда, — дейди Қамаши хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дилдора Юсупова. — Ўзим ҳам ўқиш давомида касб-ҳунар сирларини пухта ўргандим. Яратилган имтиёзлардан фойдаланиб, маҳалламизда гўзаллик салони очишни мақсад қилгандим. Мазкур семинарда қатнашиб, тадбиркор ўз халқига нечоғли катта наф келтириши мумкинлигига ишончим янада қатъийлашди. Қолаверса, корхона ташкил этиш юзасидан тузган бизнес-режам туфайли фаол, тиришқоқ тенгдошларим қаторида "Микрокредитбанк"нинг имтиёзли сармоясини олиш имконини берувчи махсус сертификатга эга бўлдим.




"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки бу соҳада ўз салоҳиятини тобора мустаҳкамлаб бораётган етакчи микромолиявий ташкилотлардан бири ҳисобланади. Юртимизда унинг сармоялари ёрдамида ўз бизнесини ривожлантириб бораётган ёш ишбилармонлар сафи тобора кенгаймоқда. Бунда Президентимизнинг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётир. Чунончи, мазкур ҳужжатга мувофиқ, ҳозирги кунда ҳар бир касб-ҳунар коллежига тижорат банкларининг масъул ходимлари бириктирилган бўлиб, улар битирувчилар билан тадбиркорликни йўлга қўйиш, банк хизматлари кўрсатиш, кредитлар ажратиш тартибларини тушунтириш мақсадида мунтазам учрашувлар ўтказаяпти. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Марказий банки, сиёсий партиялар ҳамда "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ҳамкорлигида "Микрокредитбанк сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!" шиори остида Қашқадарё вилоятининг Қамаши ҳамда Косон туманларида ташкил этилди.

Турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирокида ўтказилган ҳудудий семинарларда жойлардаги мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳамжиҳатликда ҳал қилиш йўллари, бу борада яратилган шарт-шароит ҳамда имтиёзлар, аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги, оилавий бизнесни ривожлантириш хусусида сўз юритилди.

Якунда Қамаши хизмат кўрсатиш ва Косон компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежларининг 40 нафар битирувчиси ҳамда ўн нафар тадбиркор аёлга банкдан имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар топширилди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада равнақ топтириш каби эзгу мақсадларга қаратилган бундай семинарлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг меҳнат ресурслари юқори бўлган ҳудудларида ўтказилмоқда.

**Ф. БЎТАЕВ.**

*Хизматлар лицензияланган.*

ЭЪЛОНЛАР


## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2006 йил 6 мартдаги 1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Мичурин дала-ҳовличилар ҳудудида жойлашган, 1 қаватли айвон, суҳбатхона (беседка), бассейн ва ёзги ошхонадан иборат бўлган 67-сонли дала-ҳовли такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 80 136 926 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2015 йил 16 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

789Я/6

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
**232-11-15, 236-09-25.**
E-mail: reklama@xs.uz
02

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади. Сиз савдолардаги мавжуд давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

**Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: (0-371) 228-80-26.**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 1-06/303-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Темур Малик маҳалласи, Пахтакор кўчасида жойлашган, умумий майдони 1750,0 кв.м.дан иборат бўлган савдо маркази бошланғич баҳоси арзонлаштирилиб, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 481 140 010 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 16 июнь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 12 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (0-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 25 сентябрдаги 2-79-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани, «Аъзам» ишлаб чиқариш ва савдо фирмасига тегишли, Шаҳрисабз тумани, «Шаматон» ҚФЙ, Пахтакор қишлоғида жойлашган, умумий майдони 2100 кв.м., қурилиш майдони 1035,35 кв.м., фойдаланиш майдони 1043,37 кв.м. бўлган савдо маркази такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 225 103 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Чироқчи тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2014 йил 14 февралдаги 2-230/1-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Чироқчи ғишт заводи» МЧЖ қурилиш корхонасига қарашли, Чироқчи тумани, «Кишмиштепа» МФЙ, Кишмиштепа кўчасида жойлашган, умумий майдони 22172,5 кв.м., қурилиш майдони 6792,15 кв.м. бўлган «Чироқчи ғишт заводи» бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 295 209 600 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 16 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 12 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

784А/2

## «Universal auktsion invest» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2015 йил 30 июнь куни соат 14.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

- ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2015 йил 15 январдаги 1-268/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 01 W 515 DA.

***Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.***

- ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2014 йил 10 сентябрдаги 1-4676/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz Best» русумли, давлат рақами 01 369 ОСА.

***Бошланғич баҳоси — 27 000 000 сўм.***

2015 йил 15 июнь куни соат 15.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 4 августдаги 14105/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Drunner CNC Router» русумли ёғочга ишлов бериш ускунаси.

***Бошланғич баҳоси — 8 903 000 сўм.***

Мазкур мулк 2015 йил 15 июнь куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 30 июнь куни соат 15.00 да ўтказилади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва ускуна билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банки Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

783А/33

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.**

**Гувоҳнома № 004059.**

## «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

1. Аукцион савдосига Олот тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти Хўжалик судининг ижро варақаларига асосан хатланган, «Асртекс» МЧЖга тегишли бўлган асосий воситалар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 3 352 756 882 сўм.***

2. Бухоро вилояти Жондор тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 26 сентябрдаги 20-1404/10004-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Жондор мега текстиль сервис» МЧЖга тегишли, Жондор тумани, «Навработ» ҚФЙ, Янгиобод қишлоғида жойлашган тўқув-йигирув ва ишлаб чиқариш цехи, жами 17 турдаги бино-иншоот такроран арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 854 112 177 сўм.***

Ушбу кўчмас мулклар бўйича савдолар 2015 йил 15 июнь куни соат 11.00 да ўтказилади. Мазкур кўчмас мулклар 2015 йил 15 июндаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 30 июнь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

**Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**

- юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза;
- савдо ташкилотчисининг АТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966, СТИР: 302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
- талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Мазкур мулклар қуйидаги шарт асосида сотилади: харидор савдо ўтказилган кунда суд бошқарувчиси билан олди-сотди шартномасини имзолаб, шартномада белгиланган муддат ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши шарт.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, «Shad savdo zamin» МЧЖ. Телефон: (0-365) 221-51-62.**

782А/397

Хизматлар лицензияланган.

# Истеъдод ва маҳоратга муносиб рағбат

*Фарғона шаҳридаги "Истиқлол" теннис мажмуасида "Умид ниҳоллари — 2015" спорт мусобақаларининг вилоят финал босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.*

## «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2015»

Таъкидланганидек, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, ўз истеъдод ҳамда салоҳиятини намоён этиши учун кенг шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, спортни оммалаштириш мақсадида мамлакатимиз барча ҳудудида замонавий спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилаётир. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил




29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан 2003 — 2014 йилларда биргина Фарғона вилоятида 138 та болалар спорти иншооти барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига берилди. Ушбу масканлар зарур инвентарлар, малакали мураббийлар билан таъминланган. Мана шундай имкониятлар туфайли ҳудуд вакиллари нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб қатнашиб, Ватанимиз номини улуғлашга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Буни Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён мазкур вилоятдан қарийб саксон нафар Осиё ва жаҳон чемпиони етишиб чиққани ҳам яққол тасдиқлайди.

"Умид ниҳоллари — 2015" мусобақаларининг қуйи босқичларида ҳудуддаги умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган 110 минг нафарга яқин ўқувчи спортнинг 17 тури бўйича ўз маҳоратини синовдан ўтказди. Улардан 128 нафари кучлилар сафида эътироф этилди.

— Мусобақалар барчамизда унутилмас таассурот қолдирди, — дейди Фарғона шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби ўқувчиси Азиз Аҳмедов. — Спортнинг баскетбол тури бўйича ғолибликка эришганимиздан жуда хурсандман. Келажакда "Баркамол авлод", Универсиада ўйинларида ҳам қатнашиб, ўз маҳоратимизни намойиш этиш ниятидамиз.

Ғолибликка эришганларнинг ота-оналари ҳам фарзандлари ютуғидан беҳад мамнун.

— Ўғлим Ислом Азимов Фарғона шаҳридаги 4-умумтаълим мактабда ўқиш билан бирга, "Дельфин" сузиш ҳавзасига қатнайди, — дейди Зулфия Азимова. — Машғулотларда астойдил иштирок этганлиги боис "Умид ниҳоллари"да муваффақият қозонди. Ишонаманки, у келгусида халқаро мусобақаларда ҳам қатнашиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга ўз ҳиссасини қўшади.

Умумжамоа ҳисобида Фарғона шаҳри спортчилари биринчи ўринни эгаллади. Марғилон шаҳри вакиллари иккинчи, Қўштепа тумани ва Қўқон шаҳри спорт жамоалари эса учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Фарғона вилояти ҳокими Ш. Ғаниев ғолиб жамоага Президентимиз совғаси — "Дамас" автомашинасини топширди.

Шунингдек, спорт ўйинларида юқори натижаларга эришган ўқувчилар олтин медаль, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ёшлик ва спорт байрами санъат усталари, эстрада хонандалари ҳамда бадиий жамоаларнинг концерт дастури билан якунланди.

**Набижон СОБИРОВ.**

## 1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ



*Болажон халқмиз. Шу боис фарзандимизни бошимизга кўтарамиз, меҳримизни бағишлаймиз, топган-тутганимизни нуридийдамизга илинамиз. Бундан мақсад, улар ҳеч кимдан кам бўлмасин, ўйнаб-кулиб ўссин. Фахрланиб айтамизки, бугун она-Ватанимиз бағрида камол топаётган болаларнинг бахту иқболи, ёруғ келажаги учун барча имконият мавжуд. Чунончи, мустақил юртимизнинг биринчи ордени "Соғлом авлод учун" деб аталгани ҳам соғлом авлодни вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганининг яққол тасдиғидир.*

# ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ БАХТИ

Худди шунингдек, Конституциямиз, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун асосида ўғил-қизларимизнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланаяпти. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар уларнинг таълим-тарбия олиши, ўз иқтидори ҳамда қобилиятларига мос касб-ҳунар танлашларида муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ратификация қилганлиги ҳам навқирон авлод тақдири нечоғли эътиборда эканлигини кўрсатади.

Буларнинг барчаси фарзандларимизнинг соғлом ва етук бўлиб камол топишига қаратилган. Президентимиз ташаббуси билан 2011 йилнинг 25-26 ноябрь кунлари пойтахтимизда "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиумнинг ўтказилгани бу борадаги ислоҳотларнинг жаҳоний эътирофи бўлди.

Бинобарин, ўсиб келаётган ёш авлодга эътибор, бу — келажакка эътибор. Шу боис болалар саломатлиги муҳофазасини тубдан яхшилаш долзарб масала. Амалга оширилаётган "Соғлом она — соғлом бола" дастури эса умуммиллий ҳаракатга айланган. Айни пайтда мазкур дастур асосида ҳудудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг марказлари, туғуруқхона мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, ана шу асосда Давлат дастурлари ишлаб чиқилиши эзгу анъанага айланган. Ўтган йилларга назар ташласак, қарийб барча йил, хусусан, "Оила йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили" "Мустаҳкам оила йили", "Соғлом бола йили" каби номлар замирида ҳам фарзандлар тақдири юксак мақомда эканлигини, уларнинг камолоти учун нафақат оила, балки бутун жамият дахлдорлигини кўриш мумкин.

Буюк келажагини қуришга бел боғлаган халқ, аввало, фарзандларининг маънан ва жисмонан соғлом бўлиб ўсишига катта эътибор қаратади. Шу маънода, Юртбошимиз ғамхўрлиги туфайли республикамизда таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ва бошқа тегишли ҳужжатларга асосан, ўтган қисқа фурсат ичида мамлакатимиздаги мавжуд 9698 та умумтаълим мактабининг қарийб барчаси замонавий қиёфага келтирилди. Улар энг сўнгги ўқув-лаборатория жиҳозлари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда бошқа зарур воситалар билан тўлиқ таъминланди. Илмга чанқоқ ўғил-қизларимиз ана шу каби кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб, фан, санъат ва спортда ҳеч кимдан кам эмасликларини жаҳон узра намойиш этишмоқда. Жумладан, 2014 йилда минглаб ўғил-қизларимиз мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўтказилган кўрик-танловлар, ижодий беллашувларда муваффақиятли қатнашгани фикримиз далилидир.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилингач, юртимизда юзлаб муҳташам санъат кошоналари бунёд этилди ва ёшлар ихтиёрига топширилди. Уларда навқирон авлод вакиллари миллий ҳамда жаҳон санъати намуналарини чуқур эгаллаб боришаяпти. Зеро, санъатни севган, ундан роҳатланган одам ҳамиша эзгуликни ўйлаб яшайди. Шу маънода, фарзандларимиз санъатга ошно тутинганликлари ҳар жиҳатдан халқимиз кўзлаган мақсадларга хизмат қилади. Биргина шу йилнинг ўзида болалар мусиқа ва санъат мактабларида таҳсил олаётган ўнлаб ёшларимизнинг халқаро кўрик-танловларда қатнашиб, юксак марраларни қўлга киритгани, табиийки, ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ана шундай истеъдодли ёшлардан бири Фарангиз Жўраевадир. У Фарғона шаҳридаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактабида таҳсил олади. Ўтган йиллар мобайнида Фарангиз Бокуда ўтказилган 2-халқаро мусиқа танлови ҳамда Париж шаҳрида уюштирилган Глазунов номидаги 8-халқаро мусиқачилар танловида муваффақиятли иштирок этган. Яқинда Испаниянинг Коста-Браво шаҳрида ташкил қилинган халқаро мусиқа фестивалида биринчи ўринга сазовор бўлди.

— Бу каби нуфузли танловларда қатнашиб, она-Ватанимизни улуғлаш биз, ёшлар учун улкан шарафдир, — дейди Фарангиз. — Хорижда бундай эътироф этилишимиз юртимизда ёш истеъдодларга кўрсатилаётган ғамхўрлик натижаси, деб биламан. Юксак ишончни оқлаш эса ҳар биримизнинг вазифамиз ва бурчимиздир.

Юртбошимизнинг ғояси асосида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, шаҳарлар, қолаверса, мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари, стадионлар, соғломлаштириш марказлари қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани, фарзандларимизнинг жисмонан ҳамда маънан етук бўлиб вояга етишларида муҳим пойдевор бўлаяпти. Бугун республикамизнинг энг чекка ҳудудларидан ҳам Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқмоқда ва бу ҳаётимиздаги одатий ҳодисага айланиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Албатта, фарзандларимиз улуғ аждодларимизга муносиб бўлиб камолга етаётганидан беҳад қувонамиз. Беихтиёр давлатимиз раҳбарининг: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" деган эзгу истаги ёдга тушади. Чиндан ҳам, бугун ёшларимизнинг ақлу заковати ҳамда азму шижоатига бутун дунё тан бераяпти. Хорижликларнинг юртимиздаги ислоҳотлар жараёнини яқиндан ўрганиши, тажрибамизни эътироф этаётгани ана шундан далолат беради.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда фарзандлар камолотига юксак эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳар жиҳатдан соғлом авлод халқимизнинг, жонажон Ўзбекистонимизнинг бахтидир.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

# Меҳр маскани

*— Онажон, хушхабар! Биз танловда ғолиб бўлдик!*
*Меҳрибонлик уйи раҳбари ўзига пешвоз чиққан, қувончдан тўлиб-тошиб турган Артур, Ҳасанбой, Шаҳзодбекни бағрига босди.*
*— Баракалла, болаларим! Айтгандим-ку, астойдил ҳаракат қилсангиз, интилсангиз, ҳеч кимдан кам бўлмайсизлар.*

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан ташкил этилган "Камалак жилолари" ёш рассомлар танловида совриндор бўлган фарзандларини кутлар экан, Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак болажонлардан ҳам кўпроқ қувонди. Куни кеча спортчи қиз Севаранинг халқаро мусобақада совриндор бўлганини эшитиб, кўнгли тоғдек кўтарилган эди, бугун эса буларнинг ютуғидан боши осмонга етди.

Бу болажонлар Меҳрибонлик уйига илк қадам қўйганида дили ўксик, ғамгин бир қиёфада эди. Бугун эса у кўринишдан асар ҳам йўқ, барчалари шод, қувноқ. Шуларни ўйлаб, опанинг кўнгли тўлди.

Мазкур масканда бугунги кунда 116 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларнинг бекаму кўст, шод-хуррам яшаши, айниқса, ўз истеъдоди ва қобилиятини намоён этиши учун бу ерда ҳамма шарт-шароит, имконият муҳайё қилинган.

Умида Авазимбетова раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган "Шодлик" рақс ансамбли қатнашчилари туман, вилоят миқёсида ўтаётган турли тадбирларда ўз санъатларини намойиш этишмоқда. Шунингдек, болажонлар рассомлик, тикувчилик ва спорт тўгаракларига ҳам қизиқиш билан қатнашади.

Собиқ тарбияланувчилар эса бугун турли касбларни эгаллаб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишаётир. Жумладан, уларнинг 12 нафари бугун ҳарбий хизматчи — Ватан ҳимоячиси. Майор Бобомурод Ўрозов, капитан Азамат Бакиев, Қудрат Абдуллаев, Бахтиёр Юсупов ва бошқалар меҳрибон мураббийларига хат йўллаб ёки кунда-кунора қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўраб туришади.

Ильмира Отаева, Ирода Нурметова, Назокат Исмоилова, Жамол Абдуллаев ва бошқа кўплаб тарбияланувчилар айни кунларда олий таълим муассасаларида таҳсил олишмоқда.

Бу йил 11 нафар ўғил-қиз умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттиради. Улар ўзлари учун келгусидаги ҳаёти ҳамда касб-ҳунар эгаллаши борасида аниқ мақсадларни белгилаб олишган.

Юртбошимиз эътибори ва ташаббуси билан ёш авлод, айниқса, меҳр-мурувватга эҳтиёжманд болалар учун кўпдан-кўп ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Буни ҳар бир шаҳару қишлоқда, ҳар қадамда кузатиш мумкин.

Бугун Урганчдан йўлга чиқсангиз, Хива шаҳрига кираверишда катта йўл бўйида қўшқаватли янги иморатларга кўзингиз тушади. Бу — 20-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун қад ростлаган "Болалар шаҳарчаси". Шаҳарчада замонавий лойиҳа асосида ўғил-қизларнинг яйраб яшашлари учун барча қулайликка эга бўлган 18 та коттеж типидаги уй-жой бунёд этилди. Шунингдек, маъмурий бино, спорт иншоотлари, ёпиқ бассейн ва бошқа қатор масканларда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Атрофи боғ билан ўралган "Болалар шаҳарчаси"ни кутлуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллиги шодиёналари арафасида фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Яқинда болажонлар билан бирга бу ердаги бунёдкорликлар билан танишган мураббийлар қулайликларни кўриб, беҳад қувонишди. "Бундай юксак ғамхўрликлар учун Президентимизга мингдан-минг раҳмат", дейишди.

Бу — меҳр масканидагиларнинг юрак-юрагидан чиққан самимий миннатдорлик сўзлари эди.

**Отабек ИСМОИЛОВ.**


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

**қуйидаги лойиҳа/тадбирларни бажариш учун танлов эълон қилади.**

**1.** Олмалиқ саноат зонаси таъсири остидаги ҳудудларда экологик ҳолатни яхшилаш (бажариш муддати — 2015 йил).

**2.** Ангрен ИЭСнинг кул шлакларидан фойдаланган ҳолда, газ ташламаларини адсорбция-каталитик-хемосорбция усули билан олтингугурт диоксididан тозалаш (бажариш муддати — 2015 йил).

**3.** Орол денгизидаги артемия популяциясининг ҳолати, яшаш муҳити ва маҳсулдорлик параметрларини баҳолаш ҳамда Орол денгизининг Ўзбекистон қисмида артемия цисталарини овлаш учун тавсия этилган ҳажмини аниқлаш (бажариш муддати — 2015 йил).

**4.** Оролбўйи ҳудудларида қуруқ аэрозоллар жараёнида фитоценоз ҳолатига таъсирини ўрганиш ҳамда уларнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадидаги тадбирларни олиб бориш (бажариш муддати — 2015 йил).

**5.** Бухоро вилоятида ноёб ҳамда йўқолиб бораётган ўсимлик турларининг ҳозирги кундаги ҳолатини ўрганиш ва кадастрини юритиш (бажариш муддати — 2015 йил).

**6.** Қорақалпоғистон Республикасида йўқолиб бораётган ўсимликларни етиштириш мақсадида 3 та питомник яратиш (3 та участкада) (бажариш муддати — 2015 йил).

**7.** Трансчегаравий дарёларнинг сувни муҳофаза этиш зоналаридаги тўқайзор экосистемасини тиклаш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш усулларини ишлаб чиқиш (бажариш муддати — 2015 йил).

**8.** Ноёб ва йўқолиб бораётган умуртқасиз жонзотларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва навбатдаги «Қизил китоб» нашри учун тасвирий очерклар тайёрлаш (бажариш муддати — 2015 йил).

**9.** Чўл ҳудудлардаги магистраль коллекторлар зонасида шамол эрозияси ва қум дефляциясига қарши курашишда экологик мақбул усулларни ишлаб чиқиш (бажариш муддати — 2015 йил).

**10.** Тошкент вилояти дарёларига антропоген омиллар таъсири ва биринчи галдаги ҳимоя чора-тадбирларини ишлаб чиқиш (бажариш муддати — 2015 йил).

**11.** Божхона органлари ҳамда ҳимоя структуралари учун ўсимлик ва жонзотларнинг аниқлагичини яратиш ва нашр этиш (бажариш муддати — 2015 йил).

**12.** Ўзбекистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси флаерларини ишлаб чиқиш ва босиб чиқариш (барча вилоят бўйича) (бажариш муддати — 2015 йил).

**Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун муддат ичида Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уйда ёки (+998 71) 239-49-21 рақамли факс ва fond@uznature.uz электрон почта орқали қабул қилинади. Белгиланган муддатдан кейин келиб тушган таклифлар кўриб чиқилмайди.**

746А/378

ЭЪЛОНЛАР

## Умумтаълим мактабларига жиҳозлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тендер комиссияси

томонидан 2015 йил 22 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг xtv.uz, 25 апрель куни куни «Маърифат» газетасининг 33 (8786)-сони ва «Халқ сўзи» газетасининг 82 (6265)-сонида 2015 йилда умумтаълим мактабларига замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва оргтехникалар харид қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарорига асосан, очиқ тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон берилган эди.

Мазкур эълондаги тендер таклифларини қабул қилиш муддати — 2015 йил 8 июнь куни соат 15.00 гача узайтирилди.

**Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:**
***Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.***

**Телефонлар: (0-371) 239-41-11, 239-19-58, 239-41-27, 239-13-35, 239-18-24.**
**Факс: (0-371) 239-89-58.**

774А/394


"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти жамоаси "Халқ сўзи" газетаси мухбири Зокир Худойшукуровга волидаи муҳтарамаси
**ЗУҲРА аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси раҳбарияти "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси бошқарув раиси
**Искандархон Пошшохонович АТАХАНОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.15 Топширилди — 01.50 1 2 3 4 5